

Кичик бизнес субъектларининг экспортбop махсулотлар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш

Зокиржон Машраббоевич Боймирзаев
Наманган мухандислик-технология институти

Аннотация: Мазкур мақолада мамлакатда экспортбop махсулотлар ишлаб чиқариш ва соҳада мавжуд муаммоларни аниқлаш ва ўрганиш, уларнинг ечимларини топиш ва амалга тадбиқ этиш мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини кучайиши, ташқи бозордаги рақобатбардошлик даражасини ортишига асос бўлиши тадқиқ этилган. Бу эса жамият, аҳоли турмуш фаровонлиги ортишини таъминлайди.

Калит сўзлар: экспортбop махсулотлар, экспортни суғурталаш, экспортни кўллаб-қувватлашда хорижий мамлакатлар тажрибаси

Increasing the efficiency of production of exportable products of small business entities

Zakirjon Mashrabboevich Boymirzaev
Namangan Institute of Engineering and Technology

Abstract: In this article, it is researched that the production of exportable products in the country and the identification and study of existing problems in the field, finding and implementing solutions to these problems are the basis for increasing the export potential of our country and improving the level of competitiveness in the foreign market. This will ensure the prosperity of society and population.


Keywords: exportable products, export insurance, experience of foreign countries in export support

Амалга оширилган таҳлил ва тадқиқотлар натижасига кўра кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятида мавжуд бўлган экспорт салоҳиятдан етарли даражада фойдаланилмапти. Тадбиркорлик субъектлари ўзларида экспорт салоҳиятни юзага келтириш билан бир қаторда, бу салоҳиятдан самарали равишда фойдаланишлари лозим. Шу сабабли, тадқиқот натижаси сифатида кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналари фаолиятида экспорт махсулотлар ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишини такомиллаштиришнинг йўналишларини ишлаб чиқиш зарур. Бу йўналишларни

ишлаб чиқишдан олдин экспорт салоҳиятдан самарали фойдаланиш омилларини таъсир кўрсатиш бўйича даражаларга ажратиш лозим. Экспорт маҳсулотлар ишлаб чиқаришга имкон берувчи йўналишларни қуйидагиларга ажратиш мумкин:

1. Бизнес-лойиҳалаш жараёнларини такомиллаштириш.
2. Моддий ва технологик таъминот жараёнларини оптималлаш.
3. Ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш.
4. Бозорларни ўрганиш ва уларга кириб бориш стратегияларини яратиш.
5. Сотиш жараёнларини такомиллаштириш.
6. Коммуникация жараёнларини такомиллаштириш.

Ушбу йўналишларни уч босқичли модуль кўринишига келтирамиз (1-расм).



1-расм. Экспорт маҳсулотлар ишлаб чиқаришга имкон берувчи йўналишларни уч босқичли модули

Тадбиркорлик корхоналарида экспорт маҳсулотлар ишлаб чиқаришга имкон берувчи йўналишларнинг уч босқичли модулига йўналишларни экспорт салоҳиятидан фойдаланиш даражасига таъсири бўйича гуруҳлашга ҳаракат қилдик. Бу гуруҳлашда бизнес-лойиҳалаш жараёнларини такомиллаштириш ҳамда моддий ва технологик таъминот жараёнларини оптималлаш юқори ўринларни эгаллади. Шу сабабли, бу экспорт маҳсулотлар ишлаб чиқаришга имкон берувчи йўналишларнинг уч босқичли модулида биринчи ўринга муносиб деб топдик. Модулда иккинчи босқичда тадбиркорлик корхоналаридаги ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш ва фаолиятни олиб боришда коммуникация жараёнларини такомиллаштириш амалга оширилади ва бозорларни ўрганиш ва уларга кириб бориш

стратегияларини яратиш ҳамда маҳсулотлар ва хизматларни сотиш жараёнларини такомиллаштириш учинчи босқичда амалга оширилади.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналари фаолиятида экспорт маҳсулотлар ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишини такомиллаштиришнинг йўналишлари сифатида куйидагиларни белгилаш мумкин:

1. Тадбиркорлик корхоналарида бизнес-лойиҳалаш жараёнларини ўтказишда иқтисодий-математик моделлардан фойдаланиб яратилган модулларга ҳамда аниқланган прогнозларга суяниш. Уларда олинган натижалар асосида бизнес-лойиҳалаш жараёнларини амалга ошириш.

2. Бозор ва истеъмолчилар талабларига мос равишда моддий ва технологик таъминот жараёнларини амалга ошириш.

3. Тадбиркорлик корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш. Бунда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва меҳнатни илмий ташкил этиш йўналишларидан фойдаланиш.

4. Хорижий бозорларни ўрганиш ва уларга кириб бориш стратегияларини яратиш. Бир неча стратегия ичидан энг мақбулини танлаб олиш ва у асосида фаолиятни амалга ошириш.

5. Ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш жараёнларини ташкил этиш ва такомиллаштириш. Бу йўналишда маҳсулотни бозорда сотиш стратегияларидан фойдаланиш, талабни режалаштириш ва унга таъсир кўрсатиш бўйича тадбирларни амалга ошириш.

6. Тадбиркорлик корхоналарини экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш йўналишида ва бошқаришда коммуникация жараёнларини такомиллаштириш. Алоқа каналларини танлаш, ахборотларни кодлаш, узатиш ва қабул қилиш жараёнларида турли таъсир кўрсатувчи омилларни ҳисобга олиш. Ахборотларни тўлақонли равишда узатиш ва қабул қилиш ишларини амалга ошириш.

7. Тадбиркорлик корхоналарини ҳамда рақобатбардош маҳсулотлар ва хизматларни яратувчиларини рағбатлантириш бўйича ишларни амалга ошириш. Бу жараёнда рағбатлантириш учун қўшимча омиллар яратишга алоҳида эътибор қаратиш.

8. Тадбиркорлик корхоналарини экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича механизмни такомиллаштириб бориш.

9. Тадбиркорлик корхоналарининг халқаро ва маҳаллий кўرғазмаларда фаол иштирок этишини таъминлаш. Улар томонидан ҳам турли кўрғазмалар ташкил этиш.

10. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари ходимларини фаол маркетинг сиёсатини юргизишни йўлга қўйиш.

11. Экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналар учун тақдим этилаётган имтиёзлар тизимини таҳлил қилиш, фойдаланилмаётган имкониятларни аниқлаш ва уларни ҳаракатга келтириш бўйича ишларни ташкил этиш.

Хорижий бозорларга кириб боришнинг ҳар бир ташқи иқтисодий алоқалардаги стратегияси ўз устунликлари, камчиликлари ва чекланишларига эга бўлади.

Германия тажрибасида экспортни молиявий қўллаб-қувватлашда асосий эътибор рискни баҳолаш ва қоплаш амалиётига қаратилган. Ушбу механизмнинг тўрт тури мавжуд:

- *Якка* - бунда экспорт операцияларинидан фақат биттаси суғурталанади. Яъни ушбу хизмат аниқ бир экспорт шартномаси бўйича тақдим этилади.

- *Кўп марталиқ* - бунда эса бир корхонанинг бир мамлакат ёки бир корхона билан шартномаси шартлари бажарилиши кафолатланади.

- *Паушаль* - бу усулда молиявий хизмат экспортчи корхонанинг бутун фаолияти доирасидаги экспорт операциялари бўйича тақдим этилади.

- *Махсус турида эса хизмат* фақат икки соҳа вакиллари учун тақдим қилинади. Булар, машинасозлик маҳсулотлари лизинги ва қурилиш ишлари экспорти шартномалари.

Бундан ташқари 2019 йил 24-майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Экспорт фаолиятини молиялаштириш ва суғурта ҳимояси механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унга кўра “Ўзбекинвест” ЭИМСКнинг экспортни суғурталаш орқали қўллаб-қувватлаш хизматлари комплекси харидор кредитини, қисқа муддатли дебитор қарздорликни, маҳсулот етказиб берувчи кредитини, тасдиқланган аккредитивни, экспорт қилувчининг айланма маблағларини тўлдириш кредитини, экспорт факторингини суғурталашни ҳамда экспортни суғурталаш белгиланди.

Бундан ташқари экспорт-импорт операцияларини молиялаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ташқи Иқтисодий Фаолияти Миллий Банки томонидан экспортчи корхоналар учун қатор имтиёзли кредитлар тақдим этилади. Бундан ташқари банк ишлаб чиқарувчиларга хорижий молиявий институтлардан маблағлар жалб қилишда ҳам амалий ёрдам кўрсатиш хизматларини таклиф этади. Жумладан, Корея экспорт-импорт банки, Ҳитой тараққиёт банки ҳамда Европа Иттифоқининг қатор молиявий институтлари мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш ва мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш мақсадида қатор имтиёзли кредитлар тақдим этмоқда.

Бу хизматлардан фойдаланишда Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки ишлаб чиқарувчиларга кўмаклашмоқда. Бугунги кунда экспортчиларга

молиявий хизматларни таклиф этишда хориж тажрибасидан кенг фойдаланилаётганини юқоридаги маълумотлардан кўришимиз мумкин.

Шу билан биргаликда соҳада айрим камчиликлар ҳам мавжуд. Мавжуд камчиликларни бартараф этишда хориж тажрибасига мурожаат қилиш мумкин. Европанинг баъзи ривожланган мамлакатларида тармоқ вакиллари ўз уюшмаларини ташкил этмоқдалар. Натижада мамлакат бўйича соҳада мавжуд муаммоларни биргаликда ҳал қилиш имконияти пайдо бўлади. Бу каби муаммоларни аниқлаш ва ўрганиш, уларнинг ечимларини топиш ва амалга тадбиқ этиш мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини кучайиши, ташқи бозордаги рақобатбардошлик даражасини ортишига асос бўлади. Бу эса жамият, аҳоли турмуш фаровонлиги ортишини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Макконелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс. Принципы, проблемы, политика. - М.: Республика, 1992. Т. II. - С. 398.
2. Боймирзаев З. М. КИЧИК БИЗНЕС КОРХОНАЛАРИНИНГ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИНГ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ //O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI. - 2023. - Т. 2. - №. 20. - С. 343-349.
3. Mashrabboyevich B. Z. Development of the Export Capacity of Small Business Enterprises in Uzbekistan //Web of Synergy: International Interdisciplinary Research Journal. - 2023. - Т. 2. - №. 3. - С. 225-228.
4. Boymirzayev Z. KORXONALARNING EKSPORT SALOHİYATINI BOSHQARISHDA MARKETING TIZIMINI RIVOJLANTIRISH //" Science Shine" International scientific journal. - 2023. - Т. 1. - №. 1. <http://science-shine.uz/index.php/ilmnuri/article/view/12>.
5. Боймирзаев З. М. Кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг экспорт салоҳиятини ошириш //Архив научных исследований. - 2022. - Т. 2. - №. 1. <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/2161>.
6. Zokirjon B., Tursunalievich A. Z. Theoretical issues of development of export production of small and medium business enterprises //American Journal of Economics and Business Management. - 2020. - Т. 3. - №. 5. - С. 50-58.
7. Боймирзаев, З. М. (2022). Ўзбекистон Республикасининг экспорт салоҳиятини ривожлантиришда кичик бизнес корхоналарининг ўрни. Science and Education, 3(12), 1030-1034.
8. Боймирзаев Зокиржон Машраббаевич. (2023). КИЧИК БИЗНЕС КОРХОНАЛАРДА ЭКСПОРТ ТОВАРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ЎЗИГА ҲОС ҲУСУСИЯТЛАРИ. IQRO, 5(1), 81-86. <https://wordlyknowledge.uz/index.php/iqro/article/view/1940>.

9. Акбаров Ғ. ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИҚДА ТОМОНЛАР ҲАМКОРЛИГИ //" Science Shine" International scientific journal. - 2023. - Т. 1. - №. 1. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7685022>

10. Неъматджонович А. Ғ. ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК: ЖАҲОН МАМЛАКАТЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ //ВАРҚАРОРЛИК ВА YETAKSHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI. - 2022. - Т. 2. - №. 12. - С. 215-219. <https://sciencebox.uz/index.php/jars/article/view/4900>.